

А Ж Р И М

2022 йил март ойининг “30” куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, “Анорзор” маҳалла фуқаролар йиғинини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси М.Мирзажоновнинг раислигида, А.Усмоновнинг котиблигида, Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдузахиров, судланувчи А. [REDACTED], жабрланувчи вояга етмаган Д. [REDACTED] унинг қонуний вакили Ш. [REDACTED], адвокат Д.Мажидованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланувчи:

[REDACTED] ([REDACTED] [REDACTED]), 1967 йил 14 сентябрда Тошкент вилоятида туғилган, миллати қozoқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] қ.ф.й., [REDACTED] кўчаси, 57-уйда яшовчига

нисбатан 1-1004-2201/186-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2022 йил 12 февраль куни соат 11:00ларда, бошқарувидаги давлат рақами 01 А [REDACTED] СВ бўлган “Ласетти” русумли автоуловни тегишли хужжатлар асосида Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, ТХАЙ кўчаси бўйлаб Янги Юнусобод кўчаси томондан Учқахрамон кўчаси томонга бошқариб бориб, “КРИДИТ АЗИА” биноси қаршисидаги тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида келганида, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 11-банди «г» қисми, 77-банди 1 ва 3 қисми, 109-банди ҳамда 110-бандида кўрсатилган яъни “ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт”, “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак”, “ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”, “тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт”, “агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтаса кўшни бўлақларда



ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин” деб кўрсатилган талабларга риоя қилмаганлиги, ушбу вақтда тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида қўшни бўлақда давлат рақами номаълум бўлган “SOBOLT” русумли автоулов ҳайдовчиси пиёдаларни ўтказиб юбориш учун ҳаракатини секинлаштираётганлигини кўрган бўлсада, мазкур номаълум “SOBOLT” русумли автоулов олдида пиёдалар йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан, ҳаракат тезлигини секинлаштирмасдан ҳаракатланиши оқибатида тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойидан унга нисбатан ўнг томондан чап томонга ҳаракатланиб ўтаётган вояга етмаган пиёда 2007 йилда туғилган [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] пиёдалар ўтиш жойида уриб юборган.

Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида пиёда Д. [REDACTED] тан жароҳати олиб, шифохонага мурожаат қилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 22.01.2022 йилги №1124-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, Д. [REDACTED] танасида “чап қўл елка суягини юқориги учлигидан ёпиқ синиб суяк бўлақларини қониқарли туриши, бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, пешона соҳаси тери ости гематомаси, юз соҳаси шилинмалари, чап болдир соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби жароҳатлар олганлиги аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳати оғирлик даражаси бўйича ОҒИР тан жароҳатларига кириши кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи А. [REDACTED] ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи ва унинг қонуний вакили Ш. [REDACTED] судга ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб, судланувчи А. [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлган бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи ва унинг қонуний вакили Ш. [REDACTED] судланувчи А. [REDACTED] ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Юнусобод туман прокурори ёрдамчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчининг айбига иқрорлиги, муқаддам



судланмаганлигини, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, А. [REDACTED] нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи ва унинг қонуний вакили Ш. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] ([REDACTED] [REDACTED] [REDACTED])га нисбатан жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи ва унинг қонуний вакили Ш. [REDACTED] мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар 20 сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

/имзо/

М.Мирзажонов

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

